

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 3

Оҳангарон тумани

«23» июнь 2022 й.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилувчи **Тошкент вилояти Оҳангарон туман тиббиёт бирлашмаси-кўп тармоқли марказий поликлиника мудир Ж.Кадиров** бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилувчи **“OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3” МЧЖ** номидан Низом асосида иш юритувчи директор **Кенжабоев Сардорбек Равшан ўғли** иккинчи томондан шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

### 1.Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ушбу шартномада белгиланган муддатда Буюртмачининг топшириғи билан **Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Контейнер таъмирлаш** ишларини бажариш мажбуриятини олади Буюртмачи эса Пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, бажарилган ишлар натижасини қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

### 2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

2.1.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати ҚҚС билан **49 856 000 (Қирк туккиз миллион саккиз юз эллик олти) сўмни** ташкил қилади.

2.2. Ишлар қиймати куйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши мумкин:  
-қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;  
-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;  
-объектнинг жорий таъмирланиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

2.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, шартномага тегишли ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги келишув билан расмийлаштирилади.

### 3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ фақатгина ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;
- ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат биноларни қуриш;
- Буюртмачини пудрат шартнома тузилиш давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- қурилиш майдончасида техника ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда қурилиш майдончасининг кўрикланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда жорий таъмирлаш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш-монтаж материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшашиш;
- пудратчи ўз ходимлари ва субпудратчиларининг ходимлари томонидан ишларнинг хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда бажарилиши учун тўлиқ жавобгар бўлади.
- пудратчи ёки субпудратчининг ходимлари томонидан учинчи шахсларга етказилган зарар учун Пудратчи тўлиқ жавобгар бўлади.

### 4.Буюртмачининг мажбуриятлари:

- 4.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда ишларни бажариш учун яроқли бўлган таъмирлаш майдонини объект таъмирланиши ва таъмирлаш ишлари тугаллангунга қадар бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
  - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган, Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
  - Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- объектни топширишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 15 кун ичида объектни қабул қилиб олиш.

#### **5. Ишларни бажариш муддатлари**

- 5.1. Ваколатли ташкилотнинг ижобий хулосаси олингандан кейин шартнома кучга киради.
- 5.2. Пудратчи шартнома кучга киргандан сўнг шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
- 5.3. Объект таъмирланишининг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 70 (етмиш) иш кунни ташкил этади.
- 5.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **6. Тўловлар ва ҳисоб-китоб**

- 6.1. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.
- 6.2. Объект Буюртмачига топширилгунига қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

#### **7. Ишларни бажариш**

- 7.1. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V бўлимида кўрсатилаган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режасига ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
- 7.2. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

#### **8. Ишларни қўриқлаш**

- 8.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.
- 8.2. Бажарилган ишлар ва вақтинчалик иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **9. Енгиб бўлмайдиган куч**

- 9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, бунда томонлар мажбуриятни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

- 9.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокам қиладилар.

- 9.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **10. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

- 10.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

- 10.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 (уч) кун мобайнида қабул қилиб олинади.

- 10.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

- 10.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## 11. Кафолатлар

### 11.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришини; лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларда кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

11.2. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 (ун икки) ой қилиб белгиланади.

11.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

## 12. Шартномани бекор қилиш

### 12.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда. Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 12.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 1 (бир) ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-қоидага мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## 13. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

13.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқа жавобгарликга тортилади.

13.2. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.1 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

13.3. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлик учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0.1 фоизи миқдориде пеня тўлайди.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.1 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

13.4. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкни йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

13.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур тарзда бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### 14. Низоларни ҳал қилиш тартиби

14.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалалар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### 15. Алоҳида шартлар

15.1. Мазкур шартнома ваколатли ташкилотнинг ижобий хулосаси олингандан кейин кучга кирилади ва тарафлар ўртасидаги шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади, мазкур шартномага тегишли бўлган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонлар ўртасида ёзма шаклдаги келишув билан киритилади.

15.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи шахслар томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

15.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

15.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

15.5. Мазкур шартнома назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

15.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган.

#### 16. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини қафолатлайди. Истеъмолич ишбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

#### 16. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пудратчи”	“Буюртмачи”
<p>“OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3” МЧЖ</p> <p>Юр.манзил: Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани. Ўзбекистон МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 28 уй.</p> <p>Х/р 2020 8000 0044 5379 7001 МФО: 00490 СТИР: 206 012 473 ОКЭД: 41 202</p> <p> Директор <u>С.Р.Кенжабоев</u></p>	<p>Оҳангарон туман тиббиёт бирлашмаси-кўп тармоқли марказий поликлиника</p> <p>Манзил: Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Нуробод МФЙ ОКЭД: 86 100 МФО: 00014 СТИР: 200 609 524 Х/р: 401722860272127072110054001 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги Х/р: 2340 2000 3001 0000 1010 СТИР: 201 122 919</p> <p> Мудир <u>Ж.Кадиров</u></p>



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

30.01.2006

406

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

206012473

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent viloyati, Ohangaron tumani, Qora xitoy, O'zbekiston MFY  
Mustaqillik ko'chasi 28 uy,

Guvohnoma:

Toshkent viloyati, Ohangaron tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 90360 на приобретение Услуга по текущему ремонту контейнера**

Способ проведения электронный

Дата 16.06.2022

Время рассмотрения 27.05.2022 12:40

Конкурсная комиссия Охангарон туман Тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	KADIROV JAVLON ABDIRASHIDOVICH	Бош шифокор	Охангарон туман тиббиёт бирлашмаси
<b>Секретарь комиссии</b>	SHOKIROVA NILUFAR ABDIKADIROVNA	секретарь	Охангарон туман тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	YULDASHEVA GULCHEXRA ERGASHOVNA	Комиссия аъзоси	Охангарон туман тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	ERNAZAROV BEKTEMIR PIRNAZAROVICH	комиссия аъзоси	Охангарон туман тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	YULDASHEVA XULKAR IBRAXIMOVNA	комиссия аъзоси	Охангарон туман тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	SAITOVA BARNO YULDASHEVNA	комиссия аъзоси	Охангарон туман тиббиёт бирлашмаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.06.2022 года № лота 90360.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 25

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Работы электромонтажные прочие, не включенные в другие группировки</b>
Подробное описание	Ремонт контейнеров
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	70 665 940.00
Стартовая сумма	70 665 940.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги икки йиллик иш тажрибаси Текстовое

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги икки йиллик иш тажрибаси Текстовое

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3 MCHJ	25	54997650	24	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ</b>	25	68565940	22	Экспертная		
<b>YUKSAK QURUVCHI SAXOB MCHJ</b>	25	25	20	Экспертная		
<b>ЧП АДХАМ ОВОД</b>	25	25	20	Экспертная		

Критерий №2 Танлашда иштирок этувчи ташкилотнинг банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлашда иштирок этувчи ташкилотнинг банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3 MCHJ</b>	25	54997650	23	Экспертная		
<b>KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ</b>	25	68565940	20	Экспертная		
<b>YUKSAK QURUVCHI SAXOB MCHJ</b>	25	25	15	Экспертная		
<b>ЧП АДХАМ ОВОД</b>	25	25	18	Экспертная		

Критерий №3 Объектни куздан кечирганлиги туғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектни куздан кечирганлиги туғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3 MCHJ</b>	25	54997650	25	Экспертная		
<b>KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ</b>	25	68565940	22	Экспертная		
<b>YUKSAK QURUVCHI SAXOB MCHJ</b>	25	25	17	Экспертная		
<b>ЧП АДХАМ ОВОД</b>	25	25	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ЧП АДХАМ ОВОД</b>	70 665 940.00	49 856 000.00	27.05.2022 09:13:43	100.00
<b>YUKSAK QURUVCHI SAXOB MCHJ</b>	70 665 940.00	65 000 000.00	26.05.2022 15:59:52	76.70
<b>OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3 MCHJ</b>	70 665 940.00	54 997 650.00	20.05.2022 10:31:19	90.65

KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ	70 665 940.00	68 565 940.00	26.05.2022 15:36:53	72.71
------------------------------	---------------	---------------	------------------------	-------

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЧП ADXAM OBOD	Прошел	100	100
YUKSAK QURUVCHI SAXOB MCHJ	Прошел	76.70154	76.70154
OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3 MCHJ	Прошел	90.65115	90.65115
KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ	Прошел	72.71249	72.71249

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 90360 от 16.06.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту контейнера определила победителем:

ЧП ADXAM OBOD  
305031084

и резервный исполнитель: OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3 MCHJ (206012473)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	KADIROV JAVLON ABDIRASHIDOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	YULDASHEVA XULKAR IBRAXIMOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	YULDASHEVA GULCHEXRA ERGASHOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ERNAZAROV BEKTEMIR PIRNAZAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SAITOVA BARNO YULDASHEVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



**Тошкент вилояти Охангарон туман тиббиёт бирлашмасига  
қарашли ҳудудларга ўрнатилган контейнерларни тиббиётга мос  
равишда таъмирлатиш бўйича танлов комиссиясининг йиғилиш  
7- сонли БАЁННОМАСИ**

<b>Йиғилиш раиси:</b>	<b>Охангарон ТТБ раҳбари</b>	<b>Ж.А.Кадиров</b>
<b>Котиба:</b>	<b>Бош ҳисобчи</b>	<b>Н.А.Шокирова</b>
<b>Йиғилиш аъзолари:</b>	<b>Иқтисодий масалалар бўйича бош шифокор муовини</b>	<b>М.М.Курунбаев</b>
	<b>Бош хамшира</b>	<b>Б.Ю. Сайтова</b>
	<b>Касаба уюшмаси раиси</b>	<b>Х.И.Юлдашева</b>
	<b>Омбор мудир</b>	<b>Г.Э.Юлдашева</b>

**Талабгорлар:** **ЧП АДХАМ ОВОД**  
**KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ**  
**OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3 MCHJ**  
**YUKSAK QURUVCHI SAXOV MCHJ**

Таклифларни [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) га жойлаштирган.

**КУН ТАРТИБИ:**

Охангарон ТТБнинг чекка ҳудудларига жойлаштирилган контейнерларни сифатли таъмирлаш бўйича тижорат таклифларини очиқ-ойдинлик билан кўриб чиқиш, ҳамда конкурс ғолибини аниқлаш.

Ушбу масала юзасидан шифохона танлов комиссияси котибаси Шокирова Н.А. сўзга чиқиб, ТТБ нинг чекка ҳудудларига жойлаштирилган контейнерларни сифатли таъмирлатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржаси ахборот порталига 2022 йил 20 май куни энг кам харажат таклифи бўйича 22110012090360-сонли лот рақами билан конкурс эълон қилинганлигини, 2022 йил 27 май куни эълон натижасида ЧП АДХАМ ОВОД, KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ, OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3 MCHJ, YUKSAK QURUVCHI SAXOV MCHJ ўзининг тижорат таклифларини юборганликларини айтиб ўтди.

Иқтисодий масалалар бўйича бош шифокор муовини Курунбаев М.М. сўзга чиқиб, шифохона чекка ҳудудларига жойлаштирилган контейнерларни сифатли ва замонавий услубда таъмирлатиш лозимлигини айтиб ўтди.

## ТАКЛИФЛАР:

**ЧП АДХАМ ОВОД**- энг кам харажат таклифи бўйича умумий - **49 856 000.00** сум маблағ эвазига таъмирлаб беришини;

**OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3 MCHJ** - энг кам харажат таклифи бўйича умумий - **54 997 650.00** сум маблағ эвазига таъмирлаб беришини;

**KUSHON DIZAYIN QURILISH MCHJ** - энг кам харажат таклифи бўйича умумий - **68 565 940.00** сум маблағ эвазига таъмирлаб беришини;

**YUKSAK QURUVCHI SAHOV MCHJ**- энг кам харажат таклифи бўйича умумий - **65 000 000.00** сум маблағ эвазига таъмирлаб беришини билдиришган;

Юқоридагилардан келиб чиқиб, берилган тижорат таклифлари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни Сақлаш Вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда Etender.uzex.uz (энг кам харажат таклифи бўйича) тартиби тўғрисидаги Низом талабларига тўлиқ мос келиши ишчи гуруҳ томонидан ўрганилиб, танлов комиссияси

## ҚАРОП ҚИЛАДИ:

Танлов натижасига кўра **ЧП АДХАМ ОВОД** томонидан барча тақдим этилган хужжатлар Низом талабларига тўлиқ мос келганлигини ҳисобга олган ҳолда, танлов ғолиби деб ҳисобланди ва 27.05.2022 йилдан 2 кун муддатга муҳокамага қўйилгандан сўнг ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаган, лекин **ЧП АДХАМ ОВОД** корхонаси 2 ҳафта мобайнида яъни 11.06.2022 йилга қадар Оҳангарон ТТБ билан шартнома расмийлаштирмаганлиги сабабли, ҳамда **ЧП АДХАМ ОВОД** корхонаси **49 856 000.00** сум маблағ эвазига контейнерларни сифатли таъмирлаб бериш таклифини масофа узоқлиги сабабли рад этганлиги муносабати билан захирада турган **OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3 MCHJ** ташкилоти томонидан барча тақдим этилган хужжатлар Низом талабларига тўлиқ мос келганлигини ҳисобга олган ҳолда, танлов ғолиби деб ҳисобланди ва 16.06.2022 йилдан 2 кун муддатга муҳокамага қўйилгандан сўнг ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини ҳисобга олиб Оҳангарон ТТБ га қарашли чекка ҳудудларга жойлаштирилган контейнерларни сифатли таъмирлаб беришга келишилиб шартномани расмийлаштириш ҳамда тузилган шартномани Оҳангарон тумани Ғазначилик бўлинмасига рўйхатдан ўтказиш вазифаси Оҳангарон ТТБ бухгалтери (Н.Шокирова)га топширилсин.

**OHANGARON SHOXRUX FAYZ RSU-3 MCHJ** билан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни Сақлаш Вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларга сифатли хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда шартномалар расмийлаштириш ташкиллаштирилсин.

Танлов комиссиясининг раиси


Котиба:

Аъзолари:



Ж.А.Кадиров.


Н.А.Шокирова




М.М.Курунбаев



Б.Ю. Сайтова



Х.И.Юлдашева



Г.Э.Юлдашева